

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясига доир АХБОРОТ

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, сиёсий партияларнинг вилоят кенгаши етакчилари, вилоят сайлов комиссияси аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Сессияни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Хожимурод Эрматов олиб борди.

Йиғилиш кун тартибига мувофиқ, Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги бўшаб қолган 44-“Кориз” сайлов округига депутат сайловини ўтказиш тўғрисидаги ҳамда бошқа ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Сессияда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Халқ депутатлари Тошкент
вилояти Кенгашининг
ҚАРОРИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги бўшаб қолган 44-“Кориз” сайлов округига депутат сайловини ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонунининг 44-моддасига мувофиқ, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонунининг 44-моддасига мувофиқ, Халқ депутатлари

Тошкент вилояти Кенгашидаги бўшаб қолган 44-“Кориз” сайлов округига депутат сайловини ўтказиш куни 2016 йил 11 сентябрь (якшанба) этиб белгилансин.

Сессия раиси

Х. ЭРМАТОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил, 18 август

“Энг улуг, энг азиз”

Кеча Миллий матбуот марказида мамлакатимиз Мустақиллигининг қутлуг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган “Энг улуг, энг азиз” республика кўрик-танловининг ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросим ташкил этилди.

ЮРТ ИШҚИ – ИЛҲОМ МАНБАИ



Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида ташкил этилган танловнинг тақдирлаш маросимида Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли ва-

зирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, адабиёт, маданият ва санъат намояндалари, маънавият тарғиботчилари иштирок этиди.

Адабиёт, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, тасвирий санъат, фотография, дизайн, кино йўналишлари бўйича ғолиблар ташкилотчиларнинг махсус диплом ва қимматбаҳо совғалари билан мукофотландилар.

Давоми 2-бетда. ➡



Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!



ЗАНГИОТА ТУМАНИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИ

– Мирзо Улуғбек қурдирган бу маскани беш йил аввал зиёрат қилган эдим, – дейди Зангиота мажмуасида юрган хоризлик сайёҳлардан бири ҳамроҳига ўз она тилида. – Кишини ҳайратга солар даражада ўзгариб кетибди. Бундай тарихий ва замонавий бунёдкорлик уйғунлашуви гоёя ноёб ҳодиса, тўғрими?

– Тўғри айтасиз, XIV асрнинг 80-йилларида Соҳибқирон Амир Темура ташаббуси билан бунёд этилган, кейинчалик Мирзо Улуғбек томонидан қурилиши якунига етказилган мажмуа мустақиллик йилларида Ўзбекистон Президенти

Ислом Каримов раҳнамолигида реконструкция қилиниб, бутунлай янги қиёфа касб этди, – беҳтиёр суҳбатга қўшилиман мен. – Атрофи ободонлаштирилиб, йўллар кенгайтирилди. Энди бу ер нафақат зиёратгоҳ, балки одамлар келиб, дам оладиган, набиралари билан бой тарихимиз ҳақида суҳбат қиладиган масканга айлан-тирилди.

– Яқинда келиб кетган юртдошимнинг айтишича, мажмуанинг тунги манзараси эртақлардагидек ҳайратланарли бўлармиш. Мен ҳам шуни бир кўрсам, деган орзуда эдим, – дейди суҳбатни жим эшитаётган

сайёҳлардан бири ҳаворанг гўмбаздан кўз узмай...

Юртимизда рўй бераётган улкан ўзгариш ва янгиликларни кўриш одатий турмуш тарзимизга айланди.

Зангиота туманида ҳам ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, одамларга муносиб турмуш шароити яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Замонавий таълим ва тиббиёт муассасалари, муҳташам тураржойлар, спорт иншоотлари барпо этиш билан бирга, одамлар кўнгилли дам оладиган маданият ва аҳоли дам олиш марказлари қурилишига ҳам ало-

қиди эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижроси доирасида амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, айниқса, қишлоқ аҳолининг замонавий турмуш кечириш орзу-умидларини рўйга чиқармоқда. Намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган 1036 уй одамларнинг турмуш тарзи ва дунёқараши, меҳнатга, ҳаётга муносабатини ўзгартирди.

Давоми 4-бетда. ➡

ОБОДЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК САОДАТИ

Бугун ва эртага мамлакатимиз бўйлаб умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтади

Халқимизнинг ўзига хос, олижаноб қадриятлари кўп. Ҳашар – ана шундай эзгу удумлардан бири. Мустақиллигимизнинг қутлуг тўйини нишонлашга бутун мамлакатимиз бўйлаб катта ҳозирлик кўриладиган айна дамларда бундай умумхалқ ҳашарининг аҳамияти ниҳоятда бекиёс. Бинобарин, жорий йилнинг август ойи республикамизда ободонлаштириш ва тозаллик ойлиги, 20-21 август саналари эса – умумхалқ хайрия ҳашари кунлари этиб белгиланганида катта маъно бор. Чоратрофни ободонлаштириш, бунёдкорлик ишларини амалга ошириш, янги боғу гулзорлар яратиш, ёлғиз қариялар, ногиронлар, эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва

маънавий ғамхўрлик кўрсатиш каби эзгу вазифалар замондошларимизнинг байрамона хуш кайфиятига айна ҳамоҳангдир.

Мазкур тадбирни вилоятимизда ҳам уюшқоқлик билан ўтказиш учун давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан катта ҳозирлик кўрилди.

Икки кун мобайнида маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар, гузарлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилади, кўча ва йўллар таъмирланади, маиший чиқиндилар олиб ташланади.

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бошқаруvidан маълум қилишларича, ҳашарда вилоятимизнинг 1 миллион 490 мингдан ортиқ аҳолиси қатнашиши кутилмоқда. 8 минг гектардан зиёд май-

донни ободонлаштириш, 746 та қабристон ва 27 та зиёратгоҳни тартибга келтириш ва таъмирлаш кўзда тутилган. Ободонлаштириладиган манзиллардан 7,8 минг тонна маиший чиқиндилар олиб чиқилади. Бу ишларга 1 минг 600 дан зиёд техника воситалари, трактор ва тиркамалар жалб этилган. Шунингдек, ҳашар кунлари 950 дан ортиқ эҳтиёжманд оилаларнинг уй-жойларига таъмирлаш, 1 минг 135 оилага моддий ёрдам кўрсатиш мўлжалланган.

Анъанага мувофиқ, вилоятимиздаги бошқармалар, корхона, ташкилот, муассаса ва идораларда

меҳнат қилаётган ходимларнинг бир кунлик иш ҳақлари миқдоридаги маблағ “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруvinинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади. Ҳашардан тушган маблағлар “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросига йўналтирилади. Яъни, эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз кексалар ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш, уй-хўжалиги ишларига қўмаклашиш, шунингдек, жойларда ўзини ўзи бошқариш идораларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга сарфланади.

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруvinинг ҳисоб-рақами куйидагича: ЧЭКИ “Ҳамкорбанк” АТБ Яққасарой филиали, х/р: 20212000600132942001; МФО 01013; ИНН 200548395.

Қишлоқдан мактублар

Юртимизнинг барча гўшаларида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йиғирма беш йиллик байрамини кўтариш руҳида қўтиб олишга қизгин ҳозирлик кўрилмоқда. Замондошларимизнинг чехрасида эл-юртга, она Ватанга бўлган чексиз муҳаббат балқиб турибди.

ЖАМБИЛДА ЯНГИ МАЖМУА

Юқори Чирчиқ туманида ҳам байрамни шоду хуррамлик билан қўтиб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тумандаги барча кўрган ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида, маҳалла гузарларда, корхона, ташкилот, муассасаларда, коллеж ҳамда таълим муассасаларида “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Бир сўз билан айтганда, юртимизда байрам шуқуи, байрам тантаналари аллақачон бошланиб кетган.

Халқимизда тўйга тўёна билан, деган гап бор. Тумандаги “Ўзбекистон” фермер хўжалиги раҳбари Манноп Турдибеков байрам арафасида туман аҳлига ажойиб тўйга тайёрлади. Фермер Жамбил қишлоқ фуқаролар йиғинида қаровсиз ётган эски бино ўрнида икки қаватли замонавий янги мажмуа қурилишида ташаббус кўрсатди. Ушбу кўркем бинода почта бўлими, аёллар гўзаллик саломи, озиқ-овқат ва хўжалик моллари дўкони, тўлов шахобчалари ишга туширилиб, қишлоқ аҳолисига беминнат хизмат кўрсатилмоқда.

Латифжон
МАНСУРОВ.

Янгиликлар, хабарлар, таҳлилий-танқидий
мақолалар билан интернетдаги манзилимиз –

www.th.uz

сайтида ҳам танишиб боришингиз мумкин.



ЮРТ ИШҚИ – ИЛҲОМ МАНБАИ

Мазкур танловнинг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими Қибрай туманидаги фахрийлар дам олиш масканда бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, Матбуот ва ахборот босқичлари, "Тасвирий ойна", Ёзувчилар, Журналистлар ижодий уюшмалари вилоят бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган танловда вилоятимизнинг юзга яқин ижодкорлари мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йўли, кўз ўнгимиздаги асрларга татигулик юксалишлар, замондошларимиз тафаккуридаги ўзгаришлар ҳамда уларнинг эл-

юрт равнақи йўлидаги фидокорона меҳнати, шунингдек, диёримизнинг жаннатмонанд табияти, кўркам ва обод манзиллари мадҳ этилган бадиий, публицистик ҳамда тасвирий санъат

асарлари билан иштирок этишди.

Кўрик-танловнинг вилоят босқичи якунларига кўра, матбуот, телевидение ва радио ходимларининг журналистик ишлари, ёзувчи-шоир-

ларнинг бадиий ижод намуналари, рассомлар ва фотосанъати усталарининг тасвирий санъат ҳамда фотоасарлари йўналишларида пойтахт вилоятида яшаб, ижод қилаётган 15 га яқин

ижодкорлар танлов ғолиблари қаторида эътироф этилди.


– Ватан ишқи ҳар қандай ижодкор учун абадий мавзудир, – дейди танлов ғолиби, шоир Нурали Жалил. – Бинобарин,

юрт ишқи, эл-юрт муҳаббати биз учун битмас-туганмас илҳом манбаи саналади. Мамлакатимизда адабиётга, санъатга, миллий журналистикамиз ривожига қаратилаётган юксак эътибор барчамизга катта руҳий мадад, куч-қувват бағишляпти. "Энг улғу, энг азиз" танлови ҳам ана шу эътибор ва рағбатнинг яна бир ифодасидир.

Танловнинг ғолиб ва совриндорларига ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз.

Мансур НАХАЛОВ ва Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.



◀ Бошланиш 1-бетда.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази мустақиллик байрами арафасида "Ўзбекистон: давлат мустақиллигининг 25 йиллиги" мавзусида ижтимоий сўров ўтказди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қамраб олинган тадқиқотда аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари, турли миллат вакиллари иштирок этган.

Ижтимоий сўров натижаларига кўра, фуқароларнинг аксарияти (98,2 фоизи) мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни ижобий ва барқарор, деб ҳисоблайди. Респондентлар фикрича, истиқлолнинг 25 йиллиги – бу тўғри ва пухта ўйланган ислохотлар самарасида тобора ривожланаётган Ватанимиз солномасидаги янги даврдир.

ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Сўровда қатнашганларнинг 99,6 фоизи мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва динлараро тотувлик мустаҳкамланиб бораётгани, давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортаётгани, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асослари яратилгани, сўз эркинлиги ва инсон ҳуқуқлари қарор топгани, ижтимоий йўналирилган бозор иқтисодиёти шаклланигани истиқлол йилларида эришилган асосий муваффақиятлар сифатида қайд этган.

Тадқиқот натижалари мамлакатимиз аҳолиси давлатимиз раҳбарини жамиятнинг бирдамлиги, эришилган ютуқлар ҳамда юртимиз гуллаб-яшнашининг асосий кафолати, деб ҳисоблашганини кўрсатди. Мамлакатимиз аҳолиси (99,5 фоизи) мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов аҳоли ишончини қозониб, халқимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганини алоҳида таъкидлаган.

Сўралганларнинг асосий қисми (99,4 фоизи) Ўзбекистоннинг дунёда эгаллаган ўрнидан фойдаланади. Респондентлар истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарасида Ўзбекистон юксак илмий-техник салоҳиятга эга, sanoati ривожланган давлат даражасига кўтарилганини алоҳида қайд этган.

Тадқиқот натижалари ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилган туб ижобий ўзгаришлар қаторида одамлар онгу тафаккурида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берганини кўрсатди. Аҳоли ўртасида ватанпарварлик ҳисси тобора ортмоқда.

Тадқиқот қатнашчилари

нинг 81,5 фоизи аҳоли фаровонлигининг ортиб боришига хизмат қилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарадорлигидан қониқшини билдирган. Сўров иштирокчиларининг 93,1 фоизининг моддий аҳволи, яшаш ва маиший шароити яхшилانган, ижтимоий мақоми ошган, намунали таълим олган, ўз бизнесини ташкил қилган. 90 фоиздан зиёд фуқаролар мустақиллик йилларида фуқаролик ҳуқуқлари, шахсий хавфсизлигининг ҳимояланиши ва таъминланиши мустаҳкамланганини билдирган.

Сўров жараёнида фуқароларнинг 90 фоиздан ортиғи миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва тadbirkorликни ривожлантиришга қаратилган ислохотлар одамларга ўз имкониятларини тўла намойён этиш, турмуш даражаси ва сифатини оширишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлаган. Респондентларнинг 97,3 фоизи тadbirkorлик учун яратилган шароитларни ижобий баҳолаган. Президентимиз раҳнамолигида тadbirkorликни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларга жамоатчилик ўртасида ишончининг ортиши натижасида иқтисодиётнинг мазкур тармоғида капитални бошқаришнинг янги сифат босқичига ўтилган.

Аҳоли (қарийб 100 фоиз) Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик даврида давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилган ташқи сиёсатни юксак баҳолайди.

Мухтасар айтганда, "Ижтимоий фикр" жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўров натижалари халқимиз давлатимиз раҳбари раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотларни тўлиқ қўллаб-қувватлашини яна бир бор ифода этди.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида ЎзА мухбири Б. БОЗОРОВ тайёрлади.

«МАКТАБ БОЗОРИ»ГА БОРДИНГИЗМИ?

Ҳадемай, таълим муассасаларида янги ўқув йили бошланади. Шу боис, вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида мактаб бозорлари ташкил этилган.

□ Кулайлик

– "Мактаб ярмаркаси" биз, ота-оналар учун жуда қулай бўлди, – дейди ангрелик Дилбархон Мажидова. – Энг асосийси, таълим учун керакли барча нарсаларни бир жойдан, яна терминал орқали харид қилиш имкони яратилгани аниқ мўъжаз.

Қуйи Чирчиқ тумани деҳқон бозорида ҳам ҳар йилгидек, янги ўқув

йили олдида "Мактаб бозори" ярмаркаси ташкил этилди. Аини пайтда бу ерда ўқувчилар учун зарур бўлган 24 хилдаги ўқув қуроллари савдоси йўлга қўйилган.

– Ушбу ярмарка 10 сентябрга қадар давом этади, – дейди хусусий тadbirkor Шухрат Нейматов. – Барча турдаги ўқув қуроллари ар-

зонлаштирилган нархларда савдога қўйилган.

Қувонарлиси, аксарият ўқув қуроллари ўзбекистоннинг қорхоналарида ишлаб чиқарилган.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Даврон АХМАД
олган сурат.



□ Агар огоҳ сен...

УМРНИНГ ҲАР ЛАҲЗАСИ АЗИЗ

– Дада, ўртоғингиз Акбар амаки бугундан ортиркан даромади ҳисобидан янги автомобиль сотиб олибди, – даладаги ишларни саранжомлаб келган ўғлимнинг биринчи гапи шу бўлди. – Бу йил бизда ҳам ҳосил мўл. Шунга яраша даромадимиз ҳам яхши бўлади. Машинамиз яп-янги, энди замонавий техникалардан сотиб олсак, ишимиз янада осонлашади.

Ўғлимнинг сўзларини эшитиб, ўйланиб қолам. Ўзимнинг болалигим, ёшлигим эсимга тушади. Эртдан кечгача далада ишлаб, бир халтагина шолғом ортса, хурсанд бўлиб юрардик. Ортиқча бирор нарса сотиб олиш ҳақида-ку гап ҳам бўлиши мумкин эмасди.

Бугун эса истиқлол шарофати билан елкамиз офтоб кўрди. Фермер хўжалиқларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган қатор қонун ва қарорлар туфайли соҳа ривожланди. Аҳолининг турмуш даражаси юксалди. Энди ҳар бир фермер ўз олдига юксак мақсадларни қўя олади. Бунинг учун юртимизда барча шароит яратилган. Бугунги кунда фермерларимиз фақат ички бозор билан чегараланиб қолмасдан етиштирган маҳсулотларини экспорт қилиш орқали ҳам даромад ортирмоқдалар. Бу эса, шубҳасиз, истиқлол берган катта имкониятлар самарасидир.

Бугун ўғлимга қараб ҳавас қиламан. Мустақиллик, тинчлик ва ободлик деган буюк неъматининг нима эканини унга бот-бот тақдирлайман. Кеча ким эдигу бугун ким бўлди, деган саволга жавоб топиш асосида истиқлол ҳаётимизни қанчалар яхши томонга ўзгартирганига гувоҳ бўлаемиз.

Атрофда нималар бўлаётганидан хабардормиз. Одамлар экстремизм, терроризм, сиёсий қарама-қаршилиқлар авж олган ўлкаларда жонини ҳовучлаб, бир бурда лўқмани хотиржам ютиш орсусида кун кўраётган бир замонда, бутун юртимизда тўю тантаналар шукуҳи! Бу, тинчлигимиз шарофатидан, албатта.

Бундай ҳаётни асраш керак. Асраш деганлари ўз-ўзидан бўлмайди. Бу бизга, сизга, ҳаммамизга боғлиқ. Негаки, огоҳ одам қозғайди.

Ғиёс МАТҚОБУЛОВ,
Чиноз туманидаги "Хўжакент"
фермер хўжалиги раҳбари.

□ Эзгулик

Эр кишига қирқ хунар ҳам оз, деган гапнинг ҳаётдаги исботини паркентлик боғбон Зайниддин Холтаев мисолида куриш мумкин. Бутун фаолиятини болаларга билим беришга сарфлаган Зайниддин муаллим бугун шогирдлар ардоғида. Унинг аксарият ўқувчилари юрт қорига ярайдиган, ватанпарвар кишилар бўлиб вояга етишди.

ПАРКЕНТЛИК БОҒБОННИНГ КАШФИЁТИ

Бугунги кунда қарилик гаштини сураётган устоз пенсияга чиққанидан сўнг ҳам бўш ўтирмади. Ўзини боғбонликда синаяб кўрди. Томорқасида ҳар хил дарах ва ток кўчатларию турфа гуллар парваришлаб, янги навларни яратишга ҳаракат қилди, изла-нишлар олиб борди.

Шунинг самараси ўларок, бугун Хитой ноки, Эрон олмаси ва Паркент наватисини чатиштириш орқали янги "Қамолддин" навли нок ва "Паркент" олма навини яратди.

Август ойида пишади-ган мазкур нокнинг узунлиги 12-15 сантиметр бўлиб, оғирлиги 570-600

граммга етади. Ширин ва сервус нокнинг афзаллиги шундаки, шира ва бошқа касалликларга чалинмайди.

– Мақсадим, ҳар бир хонадонда шу навли нокни кўпайтириш, – дейди Зайниддин Холтаев.

Ф. РАВШАНОВ,
Зийвуддин ХОЛИҚОВ
олган сурат.



Вилоят бўйлаб

ҲАМ САВДО, ҲАМ ХИЗМАТ

Паркент тумани марказида яна бир савдо иншооти фойдаланишга топширилди.

Маҳаллий тadbirkor Акмал Бойбўсинов дастлаб мўъжаз дўкончада фаолиятини бошлаб, соф даромади ва банк кредити ҳисобига ихчам, замонавий ошхона кўрди. Кейин уни кенгайтириш, аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатадиган мажмуага айлантиришни режалаштирди.

Аввалига 750 миллион сўм, сўнг яна 1 миллиард сўм кредит олди. Шу тариқа, бир йилда "Фазо" савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаси аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

Энг муҳими, бу ерда 40 дан зиёд киши иш билан таъминланди.

Дилфуза МИРОБИДОВА.

ЧИНОЗДА КИТОБ БАЙРАМИ

Вилоят маънавият-тарғибот маркази Чиноз туманида "Юксак маънавият – келажак пойдевори" шиори остида оилавий китоб байрамини ўтказди.

– Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрамига бағишланган бундай тadbirkor барча туман ва шаҳарларда ташкил этилмоқда, – дейди марказ раҳбари Маҳмуд Назаров. – Мақсадимиз, китобхонлар сафини кенгайтириш. Зеро, китобни қўлга олиб, мазмунини тушуниш ва англаш ўқувчига ҳузур бағишлайди, маънавий дунёсини кенгайтиради.

Ярмаркани айланар экансиз, болалар адабиёти, жаҳон адабиёти, ижтимоий-сиёсий китобларнинг кўпчилиги гувоҳ бўласиз.

Шаҳбоз НИЗОМИДДИНОВ.

ЁШЛАР ҲОКИМ ҚАБУЛИДА

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бўстонлиқ туман кенгаши "Ҳожикент" дам олиш масканида "Ҳоким ва ёшлар" учрашувини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган тadbirkor дамунали хулқи, интеллектуал салоҳияти ва ташаббускорлиги билан тенгдошларига ўрнак бўлаётган ёшлар туман ҳокими ва "Қамолот"нинг туман кенгаши ташаккурномаси ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ю. ФАЗЛИЕВА.

